


Трактор ва автомобилларнинг
бошқариш механизми ва тормоз
ТИЗИМИ

Руль бошқармасы автомобиль ёки ғилдиракли тракторнинг харакат йўналишини олдинги ғилдираклар ёки яримрамани буриш билан ўзгартиришга мўлжалланган.


Руль бошқармасы руль механизми ва руль юритмасидан ташкил топган.

Руль механизми кучни ҳайдовчидан
руль юритмасига узатади ва уни
кучайтириб, руль чамбарагининг
бурилишини осонлаштиради.





Руль механизми бир неча червяк—
релик, червяк—сектор ва винт—гайка
типга бўлинади.







a)






b)






























a



6



Автомобиль ва тракторлар харакат тезлигини камайтириш, уларни тўхтатиш ва қўзғалмас ҳолатда тутиш учун уларга тормоз системаси ўрнатилади.

Тормоз системаларининг қуйидаги турлари бўлади:


1. иш тормоз системаси – бу машинанинг харакат йўналишини ростлаш ва уни равон тўхтатиш учун:
2. тўхтаб туриш тормоз системаси – машина қияликда қўзғалмай туриши учун:
3. ёрдамчи тормоз системаси – тракторни кескин буриш учун зарур.


Тормоз системаси тормоз механизми ва унинг юритмасидан ташкил топади.


Тормоз механизми трактор ёки автомобиль харакатига қарши сунъий қаршилиқ вужудга келтиришни хизмат қилади. Фрикцион тормозлар анча кенг тарқалган бўлиб, улар қўзғалмас ва айланувчи деталлар орасидаги ишқаланиш кучи эвазига тормозлашни бажаради. Фрикцион тормозлар барабанли, шкивли ва дискли турларга ажралади. Барабанли тормозда ишқаланиш кучи ички, цилиндрик айланиш сиртида, шкивли тормозда ташқи сиртда, дискли тормозда эса айланувчи дискининг ён сиртларида ҳосил бўлади.





Ўрнатиш жойига қараб тормозлар ғилдирак тормозлари ва марказий (трансмиссион) тормозларга бўлинади. Ғилдирак тормозлари ғилдирак гупчагига, марказий тормозлар эса трансмиссия валларидан бирига таъсир этади.


Тормозлар юритмаси энергияни тормоз механизмларига узатиш ва тормозлашда уларни бошқаришга мўлжалланган. Ишлаш принципига қараб тормоз юритмалари механик, пневматик, гидравлик ва электрик турларга бўлинади.




















Электропневматик










- 1 — ЭПП хаво босм датчиги;
- 2 — Бошқариш блоки;
- 3 — тормоз камераси;
- 4 — электрик ЭПП;
- 5 — датчик АБС/ПБС;
- 6 — комбинциялашган электропневматик тормоз крани;
- 7 — датчик АБС






















a











B